



ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жорий йилнинг 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокараларда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон – Қозоғис-

тон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперацияси бўйича манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳа-

ларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, фаол ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашувларни давом эттириш каби асосий масалалар ўрин олган.

Давлат раҳбарлари бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаб бериши режалаштирилмоқда.

Учрашувлар якунида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама битимларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ДУНЁГА НАМУНА БЎЛМОҚДА

2022 йил 14 декабрь санаси Ўзбекистон номи дунёнинг энг нуфузли ташкилоти бўлган БМТ Бош Ассамблеяси минбарида баралла янграган кун сифатида тарихда қолмоқда.

Боиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган яна бир ташаббус ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳаётига татбиқ этилди.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги резолюция бир овоздан маъқулланди.

Резолюцияда давлатимиз раҳбари томонидан ташаббус қилинган COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қандай эътибордан четда қолдирмаслик, хотин-қизларнинг ва ёшларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ва парламент жараёнларида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокини таъминлашда парламентларни қўллаб-қувватлаш каби таклифлари ўз аксини топган.

Ушбу ташаббус сайёрамизнинг барча қитъаларидаги 80 та давлат, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Австрия, Бангладеш, Бахрайн, Бель-

гия, Германия, Жазоир, Испания, Индонезия, Италия, Колумбия, Корея Республикаси, Малайзия, Миср, Нидерландия, Норвегия, Покистон, Португалия, Россия, Сингапур, Финляндия, Франция, ХХР, Швеция, Япония, Қатар ва бошқа давлатлар томонидан ҳужжатнинг ҳаммуаллифлари сифатида маъқулланди.

Умуман олганда, БМТнинг БРМга эришиш стратегияси 2015 йилда қабул қилиниб, 2016 йил 1 январдан бошланган бўлса, Ўзбекистонда ҳам 2016 йилдаёқ БРМга эришиш ишлари бошлаб юборилган. Айни кунга қадар ўтган беш йилликда Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилган бешта устувор йўналиш ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадлари доирасида изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси» БРМнинг 2-мақсадига тўлиқ мос кела-

ди. Ушбу мақсаднинг барқарорлигини изчил давом эттириш учун эса Тараққиёт стратегиясида ҳам озик-овқат саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар кўпайтириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш каби мақсадлар белгиланган.

Жумладан, Тараққиёт стратегиясининг 21-мақсадида белгиланган иқтисодийёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг доллардан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш мақсади БРМнинг 1- ва 10-мақсадларига тўлақонли мос келади.

Шунингдек, 2018 йил октябрь ойида Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Барқарор ривожланиш миллий мақсад ва вазифалари тасдиқланди. БМТнинг БРМдан келиб чиқиб, Ўзбекистон мамлакатдаги экологик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларга қаратилган 16 та миллий БРМ, унга тегишли 125 та вазифа ва 206 та кўрсаткич-ни ишлаб чиқди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган стратегияларнинг БРМга мос бўлган энг муҳим кўрсаткичларидан яна бири – Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтиришдаги ўхшашликлардир.

Сабаби, ҳар иккала стратегиямизда ҳам парламент назоратини амалга оширишнинг мавжуд механизмларини самарадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, ушбу стратегия ва давлат дастурлари парламент эшитувлари, ҳукумат соатлари тартибида назорат қилиб борилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йиллар давомида 97 марта парламент эшитувлари, 30 мартадан ортиқ ҳукумат соатлари ташкил этилган. Эътиборлиси, ушбу амалиёт энг куйи бўлингача жорий қилинган бўлиб, жойларда, маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳам ҳудудий дастурлар ижроси доимий равишда назорат қилиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу резолюция барча давлатлар парламентлари учун ўзига хос дастурамал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Махфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.
ЎЗА

ПОЙТАХТИМИЗ КЎЗГУСИ

“Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари яна нашр этилаётгани қувонарли ҳол бўлди. Буни нафақат Тошкент шаҳридаги обуначилар балки бутун республикадаги ўқувчилари ҳам кутишаётган эди. Оқ йўл, сенга “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент”!

Ишонамиз, шаҳардаги янгиликларни биринчилардан бўлиб, обуначиларига етказадиган газеталаримиз тез орада оёққа туради. Хозиргидек 500 нусха эмас, 5000 ҳам эмас, 500 минг нусхада чиқадиган газетага айланади. Ўз ўқувчиларини пойтахтимиз, юртимиз ҳаётига оид оламшумул воқеалар билан таништириб боради. Бир мисол: Ватанимиз шон-шарафи учун курашган шахматчиларимиз Нодирбек Ёқубов, Нодирбек Абдусатторов, Жавохир Синдоров ва Жаҳонгир Воҳидовлар Хиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг чемпионига айлангани ва олтин медални қўлга киритгани, уларни Президентимиз табриклагани ва муносиб тақдирлаганларидан ҳам хабардорсиз. Бу йигитлар Янги Ўзбекистоннинг қалдирғочлари бўлиб, дунё халқига ўзбек “ақл гимнастикаси” усталари нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Ўзбекистонда бугун 25 нафар гроссмейстер борлигини эшитиб гурурга тўламан. Бундай мисоллар энди борган сари кўпайиб боради! Мана шундай яхши хабарлар биринчи галда суякли газеталаримизда чоп этилиши ва бутун республикага тарқалиши гоят муҳим.

Куни кеча “Хуррият”да журналист Муҳаббат Ҳамидованинг “Ўзга тилни ўрганишнинг шarti бор” деган мақоласини ўқидим. Менга жуда манзур бўлди. Ҳар бир ўзбек аввал ўз она тилини мукамал ўрганиб, кейин бошқа тилларни ўрганиши керак, дея айна ҳақиқатни ёзибди. Тилагим — журналистлар шу каби тилимиз, маданиятимиз ривожига таъсир этадиган мақолалар билан тез-тез чиқиш қилишсин! Ўткир муаммоларни кўтариб чиқишсин.

“Мен авваллари ҳар куни эрта тонгда ишга кетаётганимда киоскадан навбатда туриб, “Тошкент оқшоми” — “Вечерний Ташкент” газеталарини сотиб олардим. Ишимни шу газеталарни ўқишдан бошлардим”, деганди бир пайтлар менга Акмал Саидов. Бундай фикрларни кўплар айтишган. Келгусида ҳам шундай бўлади, деб умид қиламиз. Камина ушбу газеталарга раҳбарлик қилган кезларим иккаласининг умумий адади 400 мингга яқинлашганди. Аммо кейинги бир-икки йил уларнинг чиқиши тўхтаб қолганидан хафа эдим. Мана, энди газета яна кўлимда! Биринчи сони — 6 декабрь, сешанба, 2022 йил. Кўриб жуда қувондим. У яна бир пайтлардагидек ҳамма севиб ўқийдиган газетага айлансин, деб дуо қилдим. Бош муҳаррир қизимиз Севдо Ниёзованинг биринчи бетда одоб билан ўз ўқувчиларига “Ассалому алайкум” деб мурожаат қилиб ёзган мақоласини қувонч билан ўқидим. Яқунда “Энди ҳар ҳафта Сизни яхши ниётлар билан безовта қилиб тураемиз. Саҳифаларимизни варақлаб, кетган вақтингизга ачинмасангиз, бу биз учун катта эътироф!” деб нукта қўйибди. Бу гаплар чин қалбдан айтилганига шак-шубҳа йўқ.

Газеталаримиз ўз-ўзини оқлайдиган нашр бўлади, деб ишонаман. “Тошкент оқшоми” — “Вечерний Ташкент” газеталарини нафақат Тошкент шаҳри балки бутун республика ўқийдиган газетага айланишини истаيمان.

Тўлқин ҚОЗОҚБОВ,
“Тошкент оқшоми” — “Вечерний Ташкент” газеталарининг
1985-1989 йиллардаги
Бош муҳаррири



Пойтахтимизда

Бектемир тумани Давлат солиқ инспекцияси, ИИБ ҳамда туман департаменти масъул ходимлари томонидан ноқонуний савдоларнинг олдини олиш мақсадида назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Текширувлар натижасида 3 турдаги 152 дона, умумий баҳоси 37 минг 800 сўмлик пиротехника ва 2 турдаги умумий суммаси 29 млн. сўмлик акциз маркасииз тамаки воситалари савдосига чек қўйилди.

Кириб келаётган Янги йилда инсон саломатлигига хавф солувчи воситалардан фойдаланмайлик. Зеро, саломатлигимизни асраш ўз қўлимизда!

Олмазор туманидаги 326-сонли мактабда «Китобхонлар байрами» тадбири доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи ва шоир Равшанбек Мамадиевнинг «Қалампир сепилган атиргул» асарининг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда 7-ҳарбий синф ўқувчилари иштирокида одоб-ахлоқ, ота-онага бўлган чексиз ҳурмат, ҳаёт сабоқлари ҳақида қизгин суҳбат ўтказилди.

Учтепа туманидаги «Oasis» савдо мажмуасида жойлашган «IT HOUSE» ўқув марказида «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг замонавий касб-хунар ўрганиши учун Ёшлар жамғармаси томонидан 55 нафар ёшга тўлов маблағлари тўлаб берилди. Бундан ташқари, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан маҳаллалардаги ётоғлик ва яққаю ёлғиз нуронийлар ҳолидан ҳам хабар олинди.

Яшнобод туманидаги “Жўрабек” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси томонидан 52-сонли алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари учун «Анҳор» кўнгилочар боғига саёҳат ташкиллаштирилди. Саёҳат давомида ўқувчилар аттракционларда мароқли дам олиш билан бирга концерт дастури ҳам томоша қилди. Театрлаштирилган томоша ҳамда куй ва қўшиқлар болаларга хуш кайфият улашди.

Юнусобод тумани ҳокими Б.Абдувалиев бошчилигида дам олиш кунлари ободонлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Дам олиш кунлари бўлишига қарамай, корхона ва ташкилот ишчилари ён-атрофларни тозалаб, саранжом қилишди. Ҳар куни эрта тонгдан юзлаб техникалар, минглаб

ишчилар кўп қаватли уйлар ҳудудидаги чиқинди йиғиш пунктлари ва марказий кўчаларда тўпланган чиқиндиларни олиб ташиб кетиш учун йўналтирилмоқда. Икки кундан буён туманнинг 6 та маҳалла ҳудудидаги 124 та уйда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жами 115,2 кв. метр майдон ободонлаштирилди. 16 та электр шит тартибга келтирилди, 30 та кириш йўлакларига ҳаракат датчикли чироқлар ўрнатилди. Ободонлаштириш тадбирлари шаҳримизнинг барча туманларида олиб борилмоқда.



Божхона янгиликлари

Коррупцияга қарши шунчаки курашиб бўлмайди! Бу жараён таъсирчан ва самарали усулларни талаб этади. Давлат божхона кўмитаси раисининг ташаббуси билан давлат божхона хизмати органларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган ўзига хос креатив усул қўлланилмоқда. Эндиликда божхона постларида ходимлар хизмат олиб бораётган хоналар, кириш йўлакларига уларнинг фарзандлари билан сурачлари илиб қўйилади.

Дастлабки босқичда ушбу тажриба Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг “Арк булоқ” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида ҳамда “Самарқанд халқаро аэропорти” чегара божхона постида жорий қилинди. Ота-она сифатида фарзандининг эртасини, келажакни ўйлайдиган, уларнинг эркин ва фаровон Ватанда яшашини истайдиган божхона ходими ҳар куни ишда фарзандларининг нигоҳини ҳис қилиб турар экан, ҳалоллик ва фидойилик тамойилларидан асло чекинмайди. Келгусида ушбу тажриба барча божхона постларида қўлланилади.

Миржалол МАҲКАМОВ
тайёрлади

ТОШКЕНТДА — ЯНГИ ЙИЛ АРЧАЛАРИ

Тошкентда Янги йил арчалари ўрнатиладиган жойлар маълум қилинди.

Янги йил арчалари 25 декабрдан 5 январгача пойтахтнинг қуйидаги манзилларида ўрнатилади:

Шаҳарнинг бош арчаси — «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонаси олдидаги майдонида;

«Наврўз» боғи, «Анҳор-Локомотив» истироҳат боғи ёнида;

«Tashkent city» боғида;

«Central Park» (собик Тельман) боғида;

«Янги Ўзбекистон» боғида;

«Локомотив» боғида;

Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида;

«Humo Arena» муз саройи олдидаги майдонда;

Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида;

«Food City» савдо мажмуаси олдидаги майдонда;

«Марказий хиёбон» боғида (Сергели тумани);

«Index» савдо мажмуасида;

«Беруний» метро бекати яқинидаги майдонда;

«Сеул эко» боғида (Учтепа тумани);

«NEXT» кўнгилочар-савдо марказида;

«Ашхобод» боғида;

«Авиасозлар» саройи олдидаги майдонда.

Байрамлар ташкилотчиси — Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси.



Депутат минбари

Муқаддасхон
РАҲМАТИЛЛАЕВА:“АЁЛЛАРИ ҚАДРЛАНАЁТГАН ЮРТДА
ЯШАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН!”

Муқаддасхон Раҳматиллаева 1957 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таваллуд топган. 1973 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан битирган. 1979 йилда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтини педиатр мутахассислиги бўйича тамомлаган. 1999 йилдан буён пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 44-оилавий поликлиника бош шифокори. 2009 йилдан ҳозирги вақтга қадар Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланган. Oilали, уч нафар фарзанди бор. Тўрт набиранинг бувижониси.

Бугун ҳаёт шиддат билан ўзгариб, кундан-кунга олдимишга янги талаблар қўйилмоқда. Ана шундай бир вазиятда халқ вакили бўлган депутат жамиятни зийраклик билан кузатиб бориши, идрок этиши, аҳолини ташвишлантираётган масалаларга диққат қаратиши лозим. Хўш, халқнинг вакили бўлган депутатларимизни бугун қандай масалалар ўйлантирмоқда? Фаолиятга халақит берадиган тўсиқлар ҳамон мавжудми? Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муқаддасхон Раҳматиллаева билан суҳбатимиз мана шу мулоҳазалар атрофида бўлди.

— Депутат сифатида сизни бугунги кунда ўйлантираётган қандай муаммо ва тўсиқлар бор?

— Депутатлик бу мансаб ҳам, лавозим ҳам эмас! Албатта, олдингизга қўйган мақсадингизни амалга оширишдан олға қадам боссангиз, сиздан ёрдам сўраган сайловчиларингиз ҳамини кўз олдингизда турса, албатта ижобий натижага

эришишингиз мумкин. Бу — ҳар бир депутатнинг сайловчилари олдидаги бурчидир.

Муаммолар албатта мавжуд, бу аҳолининг тиббий, ҳуқуқий маданияти бўладими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти борасида бўладими, биз халқнинг орасида бўлиб, уларга бу борада тушунча беришимиз, муаммоларини имкони бўлса жойида ҳал этилишини таъминлашимиз лозим.

Бундан 4-5 йил аввалги учраб турадиган айрим тўсиқ ва муаммолар бугун олиб борилаётган одилонани сиёсат, амалга оширилаётган барча ишларнинг халқ розилигига қаратилганлиги сабабли сезиларли даражада камайган, деб айтишим мумкин.

— Депутатлик сўровига барча раҳбарлар ҳам бирдек хайрихоҳми?

— Депутат ўзи сайланган округидаги сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб, сайлов округидаги фуқароларнинг шикоятлар билан мурожаат қилишига асос бўлаётган сабаб ва шароитларни ўрганиши бу борада давлат органларининг тегишли мансабдор шахсларига мурожаат этиши, сессия кун тартибига олиб чиқиши лозим. Қонунда бу борада Халқ депутатлари Кенгаши депутати депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам берилган. Аввалги чақириқлар давридаги депутатлик фаолиятимда юборилган депутатлик сўровларимга жавоблар белгиланган муддатлардан кеч берилиши, ҳаттоки айрим ташкилотлар раҳбарлари томонидан жавоблар берилмаслик ҳолатлари ҳам кузатилган.

Бугунги кунда юборилган депутатлик сўровларимга белгиланган муддатларда ва раҳбарларнинг ўзлари томонидан жавобларни берилиши Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси деб ўйлайман. Шу

билан бир қаторда бу мутасадди раҳбарларнинг масъулияти ошаётганлигидан ҳам далолатдир.

— Маълумки, мана уч йилдан буён Тошкент шаҳар ҳокими томонидан шаҳар Кенгаши депутатларига 2 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратиб келинмоқда. Бу амалиётдан сиз қанчалик унумли фойдалана олясиз?

— Бунинг учун ҳар бир депутат ўзи сайланган округи ҳудудидаги мавжуд муаммоларни ўрганишлари билан бир қаторда давлат бюджетидан ушбу мақсадларга маблағ ажратилиши режалаштирилмаганлиги, “Йўл харитаси”да ушбу муаммони бартараф этиш учун маблағ ажратилиши кўзда тутилмаганлиги каби масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида тегишли ташкилотлар, бошқармалар раҳбарларига ёзма равишда мурожаат этишлари ва улардан ёзма жавоб хатлари олишлари талаб этилади.

Барча ҳужжатлар презентация кўринишида тайёрлангандан сўнг ҳар бир депутат ўз округи бўйича Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестиция ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссиясининг йиғилишида ҳимоя қилади. Ушбу масала комиссия аъзолари томонидан маъқуллангандан сўнг, сессия кун тартибига киритилади ва сессия қарори чиқарилади, шундан кейин ушбу муаммоларни бартараф этилиши учун маблағ ажратилади.

Бу албатта аҳолининг жойлардаги мавжуд муаммоларини бартараф этилиши, уларнинг розиликларига сабаб бўлиши билан бирга депутатларнинг сайланган округларидаги мавқеини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Мисол учун, мен сайланган 47-“Гуллобод” округида ажратилган маблағ округ ҳудудида жойлашган 43-оилавий поликлиника аҳолисига соғлом турмуш тарзи билан шуғулланишлари, аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини оширишлари учун ташкил этилган даволаш-бадантарбия хонасини зарур бўлган жиҳозлар билан таъминлашга сарфланди.

45-округ депутати Абдумавлон Қосимовнинг сайланган округи ҳудудида 1977 йили қурилган, таъмирга муҳтож 44-оилавий поликлиниканинг 1 ва 2-қаватлари шу маблағ ҳисобидан мукамал таъмирланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган ҳар бир депутат ажратилган маблағлардан мақсад-

ли ва самарали фойдаланиб, ўзлари сайланган округларидаги ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммоларга ижобий ечим топишида ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Аёл депутат бўлиш қийин эмасми? Умуман, фаолиятингизга оила аъзоларингиз қандай қарашади?

— Менимча бу ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Ким учундир депутат бўлиш мушкул иш, лекин мен учун осон, деб ўйлайман. Сабаби, бугунги кунда мамлакатимизда аёлларга, уларнинг нафақат оилада, балки жамиятда ҳам муносиб ўрин эгаллашлари, истеъдодларини намойён этишлари, ўзлари танлаган мутахассислик бўйича бемалол фаолият юритишлари учун ҳар доимгидан-да кўпроқ шарт-шароитлар яратилган.

Мен Юртбошиси томонидан аёлларга алоҳида эътибор ва ҳурмат билан қараладиган шундай бир Ватанда яшаб, фаолият олиб бораётганимдан хурсандман.

Шифокор сифатида аҳолимизнинг саломатлигини яхшилашда, депутат сифатида эса сайланган округим ҳудудида кимнингдир оғирини енгил қилишга ўз ҳиссамни қўша олаётганимдан завқ олиб, янада ишлагим келади.

Оила аъзоларим бу борада мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлашади. Турмуш ўртоғим олий маълумотли, улар нафақатда бўлишига қарамай, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Ўғилларим — Ҳасанжон ва Ҳусанжон ҳуқуқшунос, улардан фаолиятим борасида ҳуқуқий масалаларда маслаҳатлар олиб тураман.

Аёл киши оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланса, албатта ҳар қандай ишни амалга оширишда ўзида куч-қувват ҳам, вақт ҳам топади.

— Сўнги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганларингиз...

— Ҳар биримизнинг саломатлигимиз ўз қўлимизда. Мен қабулимга келган ҳар бир кишига кўпроқ пиёда юришни тавсия қиламан. Жисмоний фаол бўлиш, соғлом ва тўғри овқатланиш қоидаларга риоя қилиш — бу саломатлик гаровидир!

Юртимизда тинчлик бўлсин, мустақиллигимизга асло кўз тегмасин, аҳолимизга энг аввало мустақкам соғлиқ, оилавий тинчлик-хотиржамлик, дастурхонлари тўкин бўлишини тилайман!

Шоҳида
ЗУФАРОВА
суҳбатлашди



Оролмирзо С.А.Ф.А.П.О.В.:

“Ютуқларим тасодиф эмас!”



Оролмирзо Сафаров Ўзбекистон халқ ҳофизидир! Ортиқча таърифга ҳожат йўқ, ҳофизнинг изҳорларини сизга тақдим этдик.

Бувимдан мерос

– Исмим отамнинг оналари – бувимдан мерос. Бувимнинг Орол деган тоғалари урушга кетиб, бедарак йўқолган экан. Орадан ўттиз бир йил ўтиб акаларимга насиб қилмаган мана шу Орол деган исм бувим орқали менга насиб қилган. Тўғриси айтсам, болалигимда исмимни ёмон кўрардим. Интернатда ўқиб юрган вақтларимда ўзимни Аҳрор, деб таништирдим. Тарбиячи ўқитувчиларим исмим Орол эканлигини билишарди. Лекин Аҳрор бўлиб интернатда машҳур бўлганман. Институтга келган вақтимда Аҳрор деган номер ўтмади. Ўқишга келган вақтимда “бекорларни бештасини айтибсиз сизнинг исмингиз Аҳрор эмас, сиз Оролсиз!” дейишди. “Камолот” кўрик-танловига қатнашганимдан кейин устозимиз Бахтиёр Сайфуллаевнинг таклифи билан Оролнинг ёнига Мирзо кўшилиб, икки серияли Оролмирзо деган исм бўлди.

Болалик

– Болалигимдан анча шўх бўлганман ўзи аслида. Унча-мунча нарсани кўнгилга оладиган, арзимаган нарсага хафа бўладиган тоифадан эмасдим. Кўп нарсани кўриб, кўрмаганга, билиб, билмаганга, эшитиб, эшитмаганга олиб кетаверардим. Бу кайфият менда ота-онам интернатга бергунларича давом этган. Уйга ўрганиб қолганман, уйда ота-она, опа-акаларнинг меҳрига ўрганиб қолган боланинг интернатдаги изтироблари осон бўлмаган! Кейин йиғлоқи болага айланиб қолдим. Ўн-уч-ўн тўрт ёшларимда деярли ҳар ҳафта телевидение орқали бериладиган “Телевизион миниатюралар театри” ва “Экран ҳандалари” деган кўрсатувларни кўриб, эшитардим. Ўша актёрларнинг ижроси менга завқ бағишлаган. Ўзимча уларга тақлид қилиб овозларини ўхшатишим ўша пайтларда бошланган...

... қаторингда нор бўлса!

– Эсимда радио уйида овоз ёзиш учун студиядан вақт олинган, лекин мени олиб борадиган йигитлар ўша куни келишмаган. Роса кутганман, таваккал йўлга чиққанман. Адашиб қолишдан эмас, мен студиянинг мен учун ажратилган вақтини йўқотиб қўйишдан кўрққанман! Ўзимнинг ҳаётимга солаётган хавфимдан кўра келажакимдан кўрққанман. Чунки, овоз ёзиш студияси жуда қаттиқ назорат билан бериларди, унинг дақиқалари ҳам бебаҳо эди мен учун! Кўзларим қамашиб, йўлларда қийналиб, метрога бир амаллаб тушганларим... Ҳаммаси ортда қолди. Ёруғ кунлар келди. Атрофимда энди шоғирдларим



тилмаган!

...охиринг хор бўлмасин!

– Мен битта байтнинг маъносини йиллар ўтиб тушундим, “Аввалинг хор бўлса бўлсин, охиринг хор бўлмасин”. Ёшлиқда тортган машаққатларни қариганда бошдан кечириш икки баробар малол келар экан одамга. Инсонга бахт, омад ва давлат ҳам керак. Бойлик вафосиз, лекин меҳнатнинг ҳалол натижаси барибир одамга куч беради. 1991 йилда “Камолот-91” кўрик-танловида таваккал қатнашганман. Халққа танилиб улгурган хонандалар билан битта сахнага чиққанман ўшанда. Валижон Қодиров, Илҳом Иброҳимов, Равшан Комилов, Ҳожиакбар Раҳматов... “Гран-при” мукофоти менга насиб

қилган!

Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги давлат мукофотининг лауреати, устозимиз Шерали Жўраев ҳакамлар ҳайъатининг раиси эди.

Менинг ютуқларим тасодиф эмас!

– Қўшиқчилик соҳасида эришган ютуқларимни тасодифий бир ҳол деб ўйламайман! Нимаики унвон олган бўлсам, қайси бир кўрик-танловларда голиб чиққан бўлсам, давлатимизнинг қайсидир мукофотларига эришган бўлсам бу тасодиф эмас! Оғзига кучи етмаган “буни кўзи ожизлиги учун, раҳм қилиб, шафқат қилиб берган” деб хом ҳаёлда юрган инсонлар эшитиб қўйсин. Катта меҳнат билан келдим бу кунларга... 30 йилдан бери институтда дарс бераман... Виждонан ижод қиламан, виждонан ишлайман... Баҳолар ҳам виждонан бўлиши керак!

Ўғлим билан аёлим пешонамга сиғмади

– 1992 йилда арзимаган ойлик билан ишга кирганман. Топган пулим қорнимизга етса, устимизга етмасди. Устимизни ёпсак, оёғимиз очиқ қоларди. Бошпана учун



ўзимизнинг уйимиз бўлмаган. Биринчи оилам Хуршидахон билан кўрмаган машаққатлар қолмади... Курсдош эдик, йигирма йил бирга яшадик. Аллоҳнинг ҳукми экан, катта ўғлим билан аёлим пешонамга сиғмади.

Аллоҳнинг нуқсон билан яратган бандасини камситишдан оғир гуноҳ йўқ экан... Бировлар, айниқса болалигимда мени биров “кўр” деса жудаям алам қиларди. Кўп йиғлаганман, кўп хўрланганман. Бир йили, адашмасам йигирма уч ёшларимда кимлигини айтмайман, оламдан ўтиб кетди, хизматга олиб борди. Хизматдан кейин маст-аласт одамларнинг орасида ашула айттирди. Ўшанда санъаткор бўлганимдан афсусланиб кетганман. Устига-устак шунча қилган хизматларим эвазига арзимаган бир нарсани чўнтагимга солиб қўйди. У менинг ҳафталик рўзгоримга ҳам етмасди. Ўшанда “Майли, мен сизнинг берган пулингизга розиман, лекин иккинчи мени йўқламам, сиз билан хизматга келмайман” дедим. Кейин у: “Сени худо билиб, туриб, кўр қилиб яратган, ношукрсан”, деб ҳақорат қилди. Кўнглим оғриди, яратган эгам, агар кўзимни ўзингнинг фазлинг билан ожиз қилиб яратган бўлсанг, мен сенинг берган бу дардингни кўтаришга розиман. Лекин беҳуда ҳақорат қилган одамни жазоламасанг, мен рози эмасман, дедим. Орадан 6 ой ўтмасидан ўша одам қамалиб кетди.

Мен дардимни қабул қилдим, шукр қилдим ва ҳаёт менга кўп сабоқ берди. Ҳаммаси учун шукр! Бугун кимдир менга “қалайсан кўр” деса аввалгидек оғринмайман. Менга дардни Аллоҳ берди, унга исёнларим йўқ... Яратган ҳам севган бандаларини синовларга ташлар экан!



ТЕЛЕВИЗИОН МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ

Оқшом эсдаликлари

«Телевизион миниатюралар театри»! Юзингизга табассум югурдим... Бу дастур самимий, маъноли табассум дастасига ўхшайди. **Воҳид Қодиров, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёр, Хайрулла Саъдиев, Роза Каримова, Абдуҳолик Мамарасулов ва яна кўплаб санъат усталарининг ҳар бир чиқиши томошабин учун байрамга айланар эди. 1962 йилда илк бор экран юзини кўрган «Телевизион миниатюралар театри» ҳали-ҳануз табассумларга сабаб! Ушбу лойиҳанинг бошида устозлар Убай Бурхон, Маҳкам Муҳаммедов, Эргаш Каримов, Элбек Мусаев, Мираббос Мирзааҳмедов ва яна кўплаб устозлар турган. Бугун «Оқшом эсдаликлари»да олтимиш йиллик «Телевизион миниатюралар театри»!**



Мираббос Мирзааҳмедов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими:

– «Истиқбол эгалари» деб номланган дастур бўлар эди. Унинг ичида «Сатира ва юмор» деган бўлимда 10-15 дақиқалик табассумга мойил гаплар кетарди. Ўша пайтлардаги телевидениенинг раҳбари Убай Бурхон худа дастур қилиш таклифини берган. Кейин даврнинг забардаст ижодкорлари бир жойга жам бўлиб ишни бошлаган. Саид Аҳмад, Алп Жамол, Фарход Мусажонов, Эргаш Раимов, Элбек Мусаевлар илк муаллифлар бўлган. Вақт ўтиб кўрсатув учун алоҳида мусиқа ёзилди. Бу бахт бастакор, гармончи Муҳаммаджон Раҳимовга насиб этган. Бир куни бозорда гумма олиш учун Эргаш Каримов билан бирга навбатда турибмиз. Эргаш ака бош кийимларини бостириб одамлар танимайдиган қилиб кийиб оларди. Лекин барибир халқ таниб қолди. Гуммадаги навбат бузилиб ҳамма Эргаш Каримовни ўраб олганди... Жуда камтар инсон эди.



Хайрулла Саъдиев, Ўзбекистон халқ артисти:

– Ҳасан Йўлдошев билан жуда кўп ишлаганмиз. Бу инсон билан ижод қилиш завқли эди. Ҳазиллари тасодиф бўларди. Бир куни олдимга келиб: «Хайрулла, зўр сценарий бор экан, Эргаш аканг роль тақсимляпти, ота-болани ол, бирга боплаймиз», деди. Мен ҳам тезда бориб: «Шу ота-болани Ҳасан ака иккаламиз ўйнасак, майлими?», деб Эргаш Каримовдан рухсат олдим. Ўйнаямиз, Ҳасан ака берилиб кетганидан импровизациялар жуда авжига чиққани эсимда қолган. Яна эсимда интермедиялардаги исмлар жуда муаммо бўлар эди. «Фалончи, десак йўқ, унга тегиб кетади, Пистончи, десак бунга тегиб кетади», дерди Эргаш ака. Чунки бераётган ижод маҳсулларимиз шунчаки кулгу бўлмасди, албатта унинг тагида жиддий гап ётарди. Табиийки, кутилмаганда кимгадир тегиб кетарди. Шунча эҳтиёткорлик билан ёндошсак ҳам кўрсатувдан кейин «Шу исмдан бошқа фойдаланманг, фалон жойдаги раҳбарга тегиб кетади», деган огоҳлантиришлар олганмиз. Охири ижодий гуруҳ билан келишиб ҳамма ўзининг исмида чиқа бошлаган...



Ҳусан Мусабоев, актёр:

– Мен телеминиатюралар театрига 1967 йил болалик пайтларимда келганман. Болалар ролларини ижро этардим. Илк бор Ҳасан Йўлдошев ва Тамара Маҳкамованинг фарзандини ўйнаганман. «Телевизион миниатюралар театри» жуда кўп санъаткорларга трамплин вазифасини бажарган. Бугун халқимиз ардоғидаги Дилором Каримова, Эркин Комилов, Ноила Тошкенбоева, Муқаддас Холиқова, Шукурулло Исроилов каби санъаткорлар ҳам шу дастурда ижод қилган. Эргаш Каримов устозимиз «Телевизион миниатюралар театри»нинг юзи эди. Сўнги пайтларда биз Рихсивой Мирзараҳимов билан устозларнинг хурмати учун бу лойиҳани давом эттираётган эдик. Афсуски, Рихсивой хасталик сабаб бу дунёни тарк этди. Ҳозир «Маҳалла» телеканалининг таклифи билан «Телевизион миниатюралар театри»ни яна давом эттиришни режа қилдик.



Абдуҳолик Мамарасулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

– Фани Аъзамов мени судга бермоқчи бўлган. Шу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни хонамизга келсам Фани Аъзамов турибди, жиғибийрон: «Тинчликми?», десам, «Интермедиянда мана шу артистинг «Фани акага оқ тунука олиб бориб бердим, томингизни ёпинг» деб деди, нега унақа дейди, нега мени исмимни айтади», деб исён қилган. Хонада Элбек Мусаев, Алп Жамол, Эргаш Раимовлар ҳам бор. Улар менинг ёнимни оляпти. «Фани ака, сиз мени хаёлимга умуман келмагансиз, ўзимни маҳалламда уста Фани бор, нонвой Фани бор... Фанилар кўп...», десам, «Ким ёзган, кўрсат сценарийни», деди. Эргаш Раимовни кўрсатдим, сценарийни ҳам кўрдилар. Шунча воқеалар ҳам бўлган. «Телевизион миниатюралар театри» мен учун ёшлик, устозлар мактаби!

Зебо ХОМИДОВА тайёрлади



Тошкентга саёҳат

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!



Театр – ибратхона. Унинг саҳнаси муқаддас! Бу масканнинг фидойилари санъатнинг олимларидир! Пойтахтимизнинг марказида жойлашган мухташам Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри ҳам маънавий ҳаётимизнинг бир бўлаги. Бешёғочдаги қадрдон театр биносига қадам қўяр экансиз, улуғ санъат фидойиларининг тафтини ҳис қилиб турсиз. 1940 йилда тамал тоши қўйилган театр бугун ҳам ўзининг томошабинига эга. Бу даргоҳ ўзбек санъатининг етук намоёндалари – Сойиб Хўжаев, Собир Раҳмонов, Маҳмуджон Ғофуров, Ҳамза Умаров, Эътибор Жалилова, Юнус Ражабий, Лутфихоним Саримсоқова, Шаҳодат Раҳимова, Марям Ёқубова, Омина Фаёзова, Асад Исмаилов, Жамолқори Ғиёсов, Маъмуржон Узоқов, Тўхтасин Жалилов, Хусан Шарипов, Юнус Ражабий, Фароғат Раҳматова, Бахтиёр Ихтиёров каби санъаткорларни кўрган!

Театр 1941 йилда «Тоҳир ва Зухра» спектакли билан пардаларини очган. Шундан сўнг ушбу даргоҳда йилларга татиғулик «Нурхон», «Олтин кўл», «Момо ер», «Ватан ишқи», «Тошболта ошиқ», «Ўжарлар», «Зўлдир», «Жоним фидо», «Гул ва Наврўз» каби бир неча мусиқали драмалар томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинган.

Театрнинг томоша зали 400 та томошабинга мўлжалланган.

Бугунги кунда 35 нафар солист-вокалист, 25 нафар хор артисти бор. Яна ижодий бўлимда 30 нафар созанда, 20 нафар балет артисти фаолият олиб боради.

Бир йилда режага кўра театрда тўртта янги асар қўйилади. Ижодий сафарлар ҳар йили республика миқёсида ташкил этилади.

Хайрулла Иноғомов, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори ўринбосари:



– Бугун театримизда 260 га яқин ходимлар фаолият юритади. Театримиз ўзининг оркестр жамоаси ҳамда балет гуруҳига эга. Бу жиҳатларни бошқа санъат даргоҳларида учратишингиз мушкул. Насиб қилса, яқин кунларда «Машраб» спектаклини томошабинларга тақдим этамиз. Биз устоз санъаткорларнинг ижодига назар солиб, улардан ўрнак олган ҳолда фаолият юритишимиз шарт. Ҳар доим театр равнақи учун қўлимдан келганча меҳнат қиламан, бу даргоҳ мен учун жуда қадрли.

Маъсуда Отажонова, “Меҳнат шухрати” ордени соҳибаси:



– Бу театрда илк мартаба 1985 йилда қадам қўйганман. Устозларим Бахтиёр Ихтиёров ва Хусан Шариповлар мени шу даргоҳга келишимга сабабчи бўлишган. Биз ҳам роль ижро этамиз, ҳам кўшиқ куйлаймиз. Ҳар бир спектаклимизнинг чиройли ариялари бор. Мен бу театрнинг устунлари бўлган инсонларнинг шогирдларига шогирдман. Улардан жуда кўп нарсани ўргандим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам спектакль муваффақиятли якунланишига ҳаракат қилишарди. Тенгқур ҳамкасбларим билан импровизация қилишдан гаров ўйнаб, голиб бўлардим. Бу театр билан боғлиқ хотираларим жуда кўп. Мени халққа таниган айнан шу театр. Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» асаридаги Фотима роли орқали ўз мухлисларимга эга бўлдим. Ижро этган ролларининг биттаси бўлса ҳам томошабинга ёқса, спектакль сўнгида сизга бир даста гул тутишса, шунинг ўзи катта бахт. Менга шундай бахтни инъом этган айнан даргоҳдан миннатдорман!

Наима Пўлатова, Ўзбекистон халқ артисти:



– 1958 йилда Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтига ўқишга кирдим. Ўзим санъаткорлар оиласида туғилмаган бўлсам-да, негадир бу олийгоҳга кирганимни яшириб: «Педагогика институтига кирдим», деб отаонамга ёлғон гапирганман. Ўқишдан машғулотлар, репетициялар сабаб жуда кеч қайтардим. Уйимдагилар: «Нега кеч қайтасан?», деб шубҳалана бошлашган. Шундан кейин ростини айтишга мажбур бўлганман. Биз мусиқали драма актёрлигининг илк битирувчилари бўлганмиз. Устозимиз Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроев бизларни шу театрда етаклаб келган. Устозлардан санъат сирларини ўргандик. Устозлар: «Ҳеч қачон мансабпараст бўлманглар, унвон талаб қилманглар, ҳар ким пешонага ёзилган, лойиқ қўрилган куни ўз унвонини олади», дерди. Мана мен ҳам ўн тўққиз йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, қирқ йилда Халқ артисти унвонига сазовор бўлдим. Ваҳоланки, ўқишни битиргунга қадар бир неча бош ролларни ижро этишга ҳам улгурганман. Мана бугун ҳурматда, эъзоздаман. Устозлардан ўрганганларимни шогирдларимга ўргатиб келяпман. 63 йиллик фаолиятим давомида бирон армоним қолмади. Ўзим истаган барча қаҳрамонларни саҳнада жонлантirdим. Мен бу театрдан бир умр қарздорман. Тилагим – театримиз бундан-да гуллаб-яшнасин, истеъдодли устозларимизга муносиб санъаткорлар етишиб чиқсин.

Тургун Бекназаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:



– Оиламизда санъаткорлар бўлмаган. Отам дурадгор эди. Лекин яратган мени истеъдод билан сийлади. Ризқим шу театрда экан, тақдирнинг ўзи мени бу ерга етаклаб келди. 1978 йили олийгоҳни тамомлаб, театрда келганман. Бу театрнинг муҳити бошқача. Мусиқа ва арияларсиз ролимдан қониқишим қийин. Ўзбек театр санъатининг энг улуғ намоёндалари Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев, Маҳмуджон Ғофуровлар билан ёнма-ён ижод қилдим. Улардан ўрганганларим кўп. Шунча йиллик фаолиятим давомида кўплаб ролларни ижро этдим. Бироқ юрагимда бугунги кун қаҳрамонлари образини жонлантиришга бўлган шижоат, хоҳиш бор.

Миржалол МАҲКАМОВ
тайёрлади



Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ:

Оқшом илҳомлари

“ЁШЛИК – ХАТО ЭКАНЛИГИНИ БИЛА ТУРИБ, СИНАБ КЎРИШДИР”



Абдунаби Бойқўзиев 1954 йил Андижонда туғилган. Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Фафур Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида, “Муштум” журналида, “Совет Ўзбекистони”, “Халқ сўзи”, “Оила ва жамият” газеталарида фаолият юритган. “Ғуборингни ёзгайман”, “Сени излаб келдим”, “Кўзи дарёйим”, “Беш наво”, “Беш сўмлик кеккайиш” номли китоблари чоп этилган.

Илк китоб

— Мен ҳали ўзимни шоир бўлдим дея олмайман-да. Шоирлик катта мартаба-да! Қайсидир ижодкорларга солиштирганда хурсанд ҳам бўламан. Бироқ, шундай шоирлар борки, уларнинг ижод намуналарини кўриб шоирман дейишга хижолат бўласан киши. Шеърятда гуриллаб бир

ўша пайтда биринчи китобимни нашрдан чиқаришга деярли тайёрлаб бўлган эдим. Бироқ барчасини ташладим-у кетдим. Шоир Муҳаммад Юсуф ҳазиллашиб: “Сен яхши шоирсан, фақат ўзинг билмайсан-да”, дерди. Мен бошқа шаҳарда ўқиб юрибман, бу ердаги ишлардан хабарим ҳам йўқ. Дўстим Муҳаммад Юсуф қўлёмаларимни уйдан олиб кетиб, номимдан ариза ёзган ва босмахонага топширган. Шу тариқа илк китобимни дўстим нашр эттирган.

Устозларга эҳтиром

— Ўзимни журналист деб ҳисоблайман. Мени ҳаяжонга солган воқеалар публицистика соҳаси билан боғлиқ. Маҳалламиздаги почтачи Собиржон аканинг: “Газетада мақоланг чиқди”, дея берган хабари ёшлигимнинг ёрқин хотираси. Айниқса, Фафур Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида фаолият юритган пайтимизда Одил Ёқубов, Иброҳим Фафуров, Маҳкам Маҳмудов, Хамид Фулом домлалар... Уларнинг ижодлари, ишга муносабати, панду насиҳатлари бир олам эди. Бу ижодкорларнинг ҳар биридан қарздорман, берган билимлари учун чексиз миннатдорман.

Абдунаби ака кўнгила одами... Шу боис ҳам кўнгиладан тўкилганлари кўнгилашни ҳаяжонга солади. Яна бу инсон суҳбатда самимий, рост сўзнинг ошиғи!

давр келди: Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон... Бу авлод келганда баъзилар ўйланиб қолди. Кўпчиликни “Шоир бўла оламанми?” деган савол қийнарди. Табиийки, менда ҳам шу каби саволлар ғужғон. Ҳаммасига қўл силтаб йўналишимни ўзгартирмакчи эдим. Собик Ленинград ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрига ўқишга жўнаб кетдим.

Ёшлик хатолари билан гўзал

— Кўпинча ёши каттароқ кишилар, давр ёшларидан сал нолиброқ гапиришади. Аслида ёшлик шуниси билан гўзал. Қариганда одам ўзидан ўзи ақлли бўлиб қолмайди. Ўша билиб-билмай қилган хатолари тажрибага айланади. Ёшлик хато қилиб кўяман, адашаман демайди. У тентак сойда... хато эканлигини билиб туриб ўша ишни қилади. Лекин бир куни тинади. Ёшлар ҳар даврда ҳам шундай бўлган, шундай бўлиб қолаверади. Қонуни шундай! Яна ёшлик ўз пайтида ўзининг қиёфасини топиб олаверади. Қани энди ўша давр туйғулари сақланиб қолса...

...тугаб бораётган фасллар

— Умрнинг баҳори қайтмайди. Энди тушундим, англадим, деганимизда вақтнинг ҳукми би-

лан ҳаётимизнинг бошқа фаслларини яшаётган бўламиз. Умр жуда тез ўтиб кетаркан... Шу сабабдан улгуриш керак экан. Айтилиши керак бўлган гаплар айтилсин, қилиниши керак бўлган ишлар қилинсин. Эртага ҳаётимизнинг тугаб бораётган фаслларини яшаётганимизда шунчаки бироз жасорат етишмаганлиги кўнглимизни хира, мақсадларимизни кемтик қилмасин. Ўтган умрни эслаб, орқага ўгирилганингизда виждон қийналмаслиги керак.

Умида ҲАҚБЕРДИЕВА
тайёрлади

ЁЛҒИЗЛИК, МЕН СЕНИ, СЕВАМАН, ЧОҒИ!..

Бугун ҳам алдади,
Ёғмади осмон,
Ёлғон уйган экан қовоқларини.
Бугдойзорлар беҳол, қиёқ бедармон,
Майса титраб айтар оху зорларин...

Қишлоқ,
Уйга чўмган.
Қоши чимириқ.
Силласи қуриган қумариқнингда.
Оқ саллали бирон тетик қоя йўқ,
Мўйсафид у тоғлар қайда қолдийкан?!

Йилдан йил камнамо қорбўронли қиш,
Найсон ёмғирларин ичикиб қўмсар.
Наҳот энди эртақ, наҳот энди туш,
Ям-яшил водийлар кечмишга дўнса?!

У она табиат, сен мени кечир,
Биламан, чикора шеърин зорларим.
Сизлар-да кечиринг, юртим боғлари,
Адл теракларим, оғочзорларим?!

Худойим,
Ўзинг айт,
Айтгил, не қилай,
Бу қақроқ қирларга ашки нобим кам.
Тазаррулар айтсам, ашборлар битсам,
Бир гиёҳ унарми? Унмайди, алам!..

Бугун ҳам ёғмади, алдади Осмон!..
Ёлғон уйган экан қовоқларини...

Гулсан,
Мен — гил,
Сен фақат менда ун,
Менда кўкаргил!
Йўқсам?
Ўз гилимда ўзим кўкаргум!..

Сен,
Куйсан,
Сен фақат,
Менда куйлангил.
Йўқса, куйларингда
Куйгиндилангум,
Куйгиндилангум!

Ай, гул!
Қирмиз яноқ,
Сарв сиёқлим!..
Куйдим! Бағрим қон —
Қирмиз ўйимсан!..
Ҳамонки, ўй бўлсанг, менда
ўйлангил,
Менинг ўйларимдагина
бўйлангил,
Менинг ўйларимдагина бўйлан,
Гул!

Деразамни
Бир қаҳр очди,
Ва ҳовлиқиб кирди
Хонамга шамол!
Бақа бўлиб қолди
Дами ичга тушган сукунат.
Бор будимни
Ҳар томон ота,
Бир бетартиб тартиб
ўрнатиб
Чиқди-кетди, ярамас...
Кейин хонам... намларга ботди.
Бошми оёқ бўлди кейин,
ҳаётим!



